

МАЖИД
ҲАСАНИЙ



ТУРКИСТОН
БОСҚИНИ



ТОШКЕНТ — «НУР» — 1992 й.

ББК 63.3 (053)
X 24

Ўрта Осиёнинг забт этилиши ҳақида йилнома
Туркистон ҳарбий округи штаби нашридан олинди
Тошкент —1909.

Муҳаррир — Асрор САМАД

X $\frac{0503020300-38}{731 (0292)}$ 22—92

ISBN 5-8414-0032-0

© Маджид Хасаний, 1992.

ТОПТАЛГАН УЛКА ФАРЕДИ

Петр Биринчи ўз ҳукмронлигини бошлаган йилларда-ноқ Урта Осиёни Русияга қарам қилишни ўйлаб юрарди. XVII аср бошларида металлургия саноатини ривожлантириш зарурати қистовида ўрис ҳукмдорлари ва тадқиқотчилари Урта Осиёнинг маъдан қатламлари, жумладан, XVII асрдаёқ овозаси чиққан Улуғтовнинг бой конлари тақдири билан астойдил қизиқдилар. Урта Осиёда тўлиб-тошиб ётган олтин сочмалари ҳақидаги маълумотларга ҳукумат алоҳида эътибор берар ва шу туфайли Петрнинг шахсан ўзи ўзбек хонликлари ҳудудига суқулиб кириш режасини ишлаб чиққан эди. Петр I тажовузкор сиёсатни амалга ошириш мақсадида Урта Осиёга 1714 йилда Преображенский полкининг поручи-ги князь Александр Бекович-Черкасский, 1715 йилда капитан Иван Бухголтс раҳбарлигида Хивага икки марта қўшин юборадӣ. Юришларнинг муваффақиятсиз тугаганига қарамай, Петр ҳукумати ўз таҳдидидан воз кечмайди. Петр Бухорога элчи қилиб италиялик Ф.лоррио Беневелини жўнатаркан, унга «олтин сочмалар»нинг маконини, у ерга бориш йўлларини аниқлашни топширади. Беневели тарих, жуғрофия, этнография бўйича жуда кўп қимматли маълумотлар тўплади. Унинг фикрича, бу маълумотлар ўрганилса, у ерларда ҳукмрон тариқасида ўрнашиб олиш учун биргина кучли ҳамла кифоя экан. Беневелининг сафари ҳам муваффақиятсиз тугади, унинг ўзи Бухоро амиридан зўрға қочиб қутил-гач, Петр ўлиmidан кейин, 1725 йилда Русияга қайтди.

Чор ҳокимияти Петр сиёсатини давом эттираркан, рус — турк муносабатларига диққатини қаратди. Ташқи сиёсат Қора денгиз соҳилларини босиб, олиш мақсади асосида қурилди. Ўзбек хонликлари билан муносабатда

эса дастлаб ҳарбий куч ишлатмасдан, Қозоғистон орқали доимий савдо муомалаларини ўрнатиш йўлидан борилди.

XVIII аср бошларида ҳар учала Жузнинг қозоқлари қалмиқ (жунгар)ларнинг доимий босқинлари остида қолганди. Қозоқ дашти 1723 йилга келиб оғир очарчиликни бошдан кечиргач, ожизлашиб қолган қозоқлар энди ўз мустақилликларини сақлаб қола олмасдилар. Оқибатда, катта Жуз жунгарларга сиёсий қарам бўлиб қолди. Урта Жуз Бухорога кўчиб бориб, Бухоро хонлигига, кичик Жузнинг бир қисми эса Хива хонлигига бўйсунди. Қалмиқлар хатаридан сақланиш ва ўз ҳокимиятини мустақамлаш илнжи катта Жуз ҳамда кичик Жуз хони Абулхайрхонни чор ҳокимияти билан яқинлашувга ундарди...

Абулхайрхон 1730 йилда Жузни рус фуқаролигига қабул қилишларини сўраб Уфага элчи юборади. Русия ҳукумати Урта Осиёга ҳужум қилиш учун ишончли истеҳкомга эга бўлиш ҳамда ўз мустақиллиги йўлида курашаётган бошқирларнинг қозоқлар билан иттифоқ тузишининг олдини олиш мақсадида хоннинг илтимосини кечиктирмай қондиради. Кўпчилик қозоқ оқсоқолларининг қаршилигига қарамай, 1730 йилда Кичик Жуз билан бирга Семекхон бошчилигида Урта Жузнинг бир қисми ҳам Русия империяси қўл остига ўтди*. Қозоқларнинг фуқароликка ўтиши чор ҳукумати Урта Осиёга бундан кейин юришлар қилиши учун бир қанча имкониятлар яратиб берди. Петр ибораси билан айтганда, Шарқ алоқасини юритишда Қозоғистон калит, дарвоза ролинни ўйнади. Русия Қозоғистон ерларида ҳарбий истеҳкомлар қуришда маблағни аямай сарфлади. 1734 йилда Оренбург губернясининг котиби И. Кирилловнинг зиммасига қалъалар қуриш, аввал Бухорога, кейинчалик Ҳиндистонга савдо карвони олиб бориш баҳонасида атроф-теваракнинг, йўлларнинг тархини чизиш, руда ва олтин қидиришни йўлга қўйиш каби қатор вазифалар юкланган эди. 1742 йилда қурилган Оренбург ўзбек хонликларига суқилиб кириш йўлида ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий истеҳком бўлиб хизмат қилди.

* Бу ҳақда қаранг: Ҳ. Зияев. «Чоризм истилоси» («Шарқ юлдузи» 1990 й., 8-сон).

1721 йили Петр I томонидан Россия империя деб эълон қилинган эди. Империя ўз иқтисодий ва ҳарбий қудратини мустақкамлаш ҳамда тараққий эттириш ниятида ўзга юртлар, мамлакатлар ерларини аста-секин эгаллаб, бунинг ҳисобига ўз қаддини ростлаб олди.

XVIII—XIX асрларга келиб, Россия империяси таркибида Болтиқ бўйи, Украинанинг ўнг соҳили, Белоруссия, Польшанинг бир қисми, Бессарабия, Шимолий Кавказ, Финляндия, Закавказье, Узоқ Шарқ, Сибирь, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Помир каби ўлкалар бўлиб, 22,4 миллион км² ерни эгаллаган эди. В. И. Ленин таъбири билан айтганда, «Халқлар турмаси» бўлмиш чор Россияси ҳудудида 81 губерния, 20 вилоят, 931 шаҳар бўлиб, унда 100 дан ортиқ халқлар, элатлар (ғайри рус миллати 57 фоизни ташкил қиларди) яшар эдилар.

1738 йил августида В. Н. Тахтишчев (рус тарихчиси) поручик Миллер бошчилигидаги карвон таркибида Тошкент шаҳри томон йўлга чиқади. Унга Бухоронинг бир қанча шаҳарларидаги ҳамда Тошкентдаги сиёсий аҳвол тўғрисида ва яна бошқа хил маълумотлар тўплаш топширилганди. Бу карвоннинг ҳам омади чопмади, уни ўрта Жуз қозоқлари тор-мор қилдилар.

Екатерина иккинчи ҳукумати XVIII аср 70-йилларнинг охирларида Ўрта Осиё билан ўрислар учун ҳар томонлама фойдали бўлган савдо-сотиқ масалаларига катта эътибор бера бошлади ва XIX асрнинг биринчи чорагидаёқ ўзбек бозорларида ўрислар мустақкам маҳқага эга бўлиб олдилар. Чунончи, Бухоро амири Шоҳмурод Эрназар оталиқни Петербурга элчи қилиб жўнатади. Бунинг шарафига Екатерина Эрназар элчи мадрасаси қурилишига 134 минг сўм ажратган.

Оврўподаги таранглашаётган халқаро вазият, Наполёнга қарши кураш (1805—1807), ўрис — турк уруши (1806—1812), ўрис-швед уруши (1808—1809), ўрис-форс уруши (1805—1813), 1812 йилги Ватан уруши ва Наполёнга қарши курашнинг давом эттирилиши Чор ҳукуматининг Ўрта Осиёга нисбатан босқинчилик сиёсатини олиб боришига узоқ вақтгача йўл бермади.

Николай иккинчи ҳукумати Ўрта Осиё бозорларини бутунлай Русияга қарам қилиш мақсадида Туркистонни босиб олишни тазлаштиришни ўйлай бошлади. Ўрта Осиёни босиб олиш талабгорлари ичида энг босартусарини билмайдигани Оренбург ҳарбий губернатури

генерал-майор В. А. Перовский бўлиб, у 1840 йил ноябрининг охирларида 2 та замбарак, 40 арава, ҳамда 5 минг пиёда аскар билан 10 минг туядан иборат карвонга бош бўлиб Оренбургдан чиқиб Ўрта Осиё томон юради. Оғир об-ҳаво шароити, ёқилғининг йўқдиги, озиқ-овқат танқислиги, кийим-кечакларнинг яроқсизлиги натижасида Перовский қўшинининг маълум бир қисмини йўқотгандан сўнг Хивага юришни тўхтатишга мажбур бўлади. Истилочилар 1841 йилда Хоников етакчилигида Бухорога отланишади. Бу юриш натижасида Бутенёв икки хонликни қурол билан босиб олиш имкониятлари, йўллари, мақсадга эришиш учун ҳаракат қилиш режалари каби маълумотларни ўзида жамлаб нома ёзади. 1847 йилга келиб мустамлакачилар Сирдарё этакларини босиб олиш режасини тузишади ва у ерда Раим истеҳкоми барпо этилади. 1853 йилда генерал Бларамберг отряди Оқмачитга (ҳозирги Қизил Ўрда) ҳужум қилиб босиб олади. Айни пайтда Фарбий Сибирдан Семипалатинскка қадар бўлган оралиқда ҳам шимоли-шарқ тарафдан юришлар бошланиб кетганди. 1850—1854 йиллар ичида подшо қўшинлари томонидан Заилия (Илиорти) ўлкаси эгалланди, 1854 йилда эса Верное (ҳозирги Олмаота) истеҳкоми қад кўтарди. Шундан сўнг Ўрта Осиёга босқинчилик юришлари Николай ҳукуматининг Қрим урушига (1853—1856) чалғиганлиги туфайли қисқа муддат тўхтаб қолди. Қрим уруши тугагач, Кавказ жанглари Николайнинг қўлини боғлаб қўйганлиги учун у хонликларга қарши ошкора босқинчилик сиёсатини юритолмади ва Бухоро ҳамда Хива хонликларининг бирикишига имкон бермаслик мақсадида айрим чоралар кўриш билан чегараланди, холос.

Чор Русиёсининг Ўрта Осиёга нисбатан жадал мустамлакачилик сиёсатини юргизишига унинг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи асосий сабаб бўлди. Бундан ташқари ривожланаётган енгил саноат учун пахта, пилла, қорақўл ва бошқа маҳсулотлар зарур эди. Граждандар уруши (1861—1862) туфайли Амриқодан пахта келтирилишининг камайиши ўзбек пахтасига бўлган талабни ошириб юборди.

Енгил саноатдаги бўҳронлар, уни арзон маҳсулот билан таъминлаш зарурияти подшо ҳукуматини безовта қила бошлади. Оренбург генерал-губернатори Кате-

нин ташқи ишлар вазирига ёзган хатида «Ўрта Осиё мулкига ҳукмронлигимизни ўрнатишимиз учун албатта Туркистон ва Тошкентни эгаллашимиз шарт», деб кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, Тошкентни қўлга киритиш Бухоро мулкига қуролли кучлар билан бориш учун ҳам зарур эди. 1862 йилда «Русский вестник» ойбитигида Ўрта Осиёни босиб олишни қатъий ёқловчи қатор шовинистик мақолалар босилди. «Голос» номли либерал ойбитик эса Ҳиндистонни босиб олган инглизлардан ўрнатилган «Каспийни рус денгизига айлантириш, Ўрта Осиёнинг кўчманчи элатларини ўтроқ яшашга ўргатиш, бу саҳройилар билан пачакилашиб ўтирмай, уларни ҳаттоки террор қилишга» чақирди. Ҳарбий вазир Д. А. Молотин ҳарбий юришларнинг доимий тарафдори бўлган туфайли 1864 йил октябрида ташқи ишлар вазирлиги томонидан подшоҳ учун тайёрланган маъруза матнини қўллаб-қувватлади. Бу матнда, жумладан, Русиёнинг Шарққа сирли, лекин тийиқсиз интилиши ҳақида, ярим ёввойилар қабиласи билан тўқнашилган дамда ўта тинчликсевар сиёсатни сақлаб қолишнинг имкони йўқлиги хусусида, Қўқон хонлигининг табиий бойликлари бўлмиш пахта, ипак, қимматбаҳо маъданлар тўғрисида сўз юритилади. Шундай қилиб, олтмишинчи йиллар бошида Ўрта Осиёни босиб олишга ғоявий тайёргарлик кўрилади, эндиликда бу истилони амалга ошириш навбати келганди. 1863 йил ёзда полковник Черняев Оренбург генерал-губернатури Безакнинг сукут ичра ризолиги оқибатида Сирдарё ёқасидаги Сўзоқ қалъасини қўлга киритди ва уни атроф-теварақдаги аҳолиси билан бирга «Русиёнинг мулки» деб эълон қилди.

1864 йилнинг бошида Верное (Олмаота) қалъасидан чиққан 2 500 кишилиқ Черняев отряди 4 июнь кунини Авлиёта (Жамбул) шаҳрини эгаллади. Черняев билан изма-из Перовский қўрғонидан чиққан полковник Веревкин гуруҳи эса Туркистон шаҳрига юриш қилди ва шаҳарни 12 кунда босиб олди. Бу юришда Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавий хотирасини улуғлаб қурдирган буюк саждагоҳ — Шайх мақбараси тўпга тутилди. 1864 йилнинг 22 сентябрида Қўқон хонлиги ихтиёридаги Чимкент шаҳрини қўлга киритиш билан аввал бошида кўзда тутилган мақсад узил-кесил амалга ошди.

1864 йилнинг кузида Черняев Тошкентни босиб олиш учун муваффақиятсиз тугаган биринчи уринишга қўл

урди, 1865 йил ёзи Тошкентнинг сувбошиси бўлмиш «Ниёзбек» қалъасини эгаллаб олгач, шаҳарга навбатдаги юришни бошлади. Черняев аввало анҳорнинг сувини бўғиб олди ва Тошкент қирқ икки кун давомида сувсиз қолди. Подшо қўшинларининг хабарини эшитиб, боқ тошкентликлар Қўқон хонлигига қарашли бўлганликлари учун хондан ёрдам сўрадилар. Шаҳар дорусаси Алимқул уларни ўз эрклари учун курашга чорлаб оташин нутқ сўзлади. Қўқондан ёрдам келгач, Тошкент ҳимоячиларининг сони 30 минг кишига етди. Расмий маълумотларга қараганда ўрис солдатлари 1950 нафар бўлган. Тартиб ва ташкилотчиликнинг йўқлиги, керакли ҳарбий техника билан таъминланмагани туфайли хонлик қўшинининг сон жиҳатидан устунлиги ҳам тўқнашувда фойда бермади. Черняев ҳал қилувчи ҳаракатни жанубдан — Темур дарвозаси ёқдан бошлади. Бу билан у Қўқон ёки Бухородан келиши мумкин бўлган ёрдамчи кучларга ҳалақит бермоқчи бўлган. Илк тўқнашув 1865 йилнинг 9 майида бўлиб ўтди. Черняев Алимқул ҳалокатидан кейин шаҳар таслим бўлар, деган илинжда ҳужумни бирпасга тўхтатиб турди. Бухоро Амрининг қўшини яқинлашиб келаётганидан хабар топгач, 15 майга ўтар кечаси шаҳарга ҳужум бошлашга қарор қилинди. 16 ва 17 май кунлари ҳам кўча жанглари давом этди. 17 май кунини Тошкент аёнлари қаршиликнинг беҳудалигини ҳисобга олиб, шаҳарни топшириш учун музокарага киришадилар. Оренбург генерал-губернатўри Крижановский 1865 йилнинг сентябрида маҳв қилинган шаҳарга келади ва Тошкентни мухтор қарам мулк деб эълон қилади. Черняев шу йилнинг кузидаёқ Жиззахга юриш бошлайди. Аммо 1866 йил март ойида Черняев Петербургга чақириб олинади ва унинг ўрнига юборилган генерал Романовский 8 май кунини Эржарда амир қўшинларини мағлубиятга учратади, 24 май кунини эса Хўжандда ҳам ўрисларнинг қўли устун келади. Август ойида Крижановский Тошкент, Хўжанд ва Чирчиқорти ўлкасини Россияга қўшиб олиш тўғрисида кўрсатма беради. Амир билан музокараларда келиша олмагач, Крижановский 2 октябрда Бухорога қарашли Уратепа қалъасини, 18 октябрда эса Жиззахни босиб олади. 1867 йилда босиб олинган ерларда фавқулодда Туркистон генерал-губернатўрлиги тузилади. Инженер-генерал К. П. Кауфман бош қилиб тайин-

ланган бу губернатўрликнинг маркази Тошкент бўлиб Сирдарё ва Еттисув вилоятлари ҳам унинг таркибига кирган эди. Ўрис қўшинлари босқичиликни давом эттириб, 1868 йил 1 май куни Самарқанднинг Чўпонота тепалигида Бухоро қўшинларини енгадилар ва 2 майда Самарқанд шаҳри таслим бўлишга мажбур қилинади. Ўрис қўшинлари чиқиши билан шаҳарда ғазовот бошланиб кетади. 2 июнь куни шаҳар деворлари тагида Шаҳрисабз қўшини пайдо бўлганда эса озодлик қўзғолони кучаяди. Умархўжа ва Жўрабой бўлинмалари ҳеч бир қаршиликсиз Самарқандга кирадилар, бу ерда уларга шаҳар ахли ҳам қўшилади. 650 кишидан иборат ўрис гарнизони қўрғонга кириб яширинади. Мужоҳидлар 5 кун давомида ҳужум қиладилар. 8 июнда эса Қауфман қўшини шаҳарга киради ва унинг барча ҳимоячилари қатл этилади. Зирабулоқдаги мағлубият, Самарқанд қўзғолонининг бостирилиши Бухоро билан бўладиган уруш тақдирини ҳал қилиб қўйди ва амир Русиё билан тузилган битимга имзо чекди, Битим шартлари (1868 йил 23 июнда) қуйидагича эди. Бухоро Русиёга вассалликни тан олади ва 500 минг сўм уруш товонини тўлайди. Самарқанд ва Каттақўрғон вилоятлари Россияга бириктирилди. Бухоро чет давлатлар билан алоқа қилиш ва мустақил боғланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Шу йилнинг кузидаёқ Абдумалик бошчилигида кўтарилган қўзғолон ҳам истилочилар томонидан шафқатсизлик билан бостирилди.

1870 йилда Искандаркўлда уюштирилган ҳарбий юриш натижасида Зарафшон тизмаси ҳам қўлга киририлди. Русиё томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниш тарихидаги навбатдаги босқич Хива хонлигини забт этиш эди. 1873 йил майнинг ўрталарида Туркистон, Урунбург ва Кавказ губернатўрларининг гуруҳлари Хивага яқинлашдилар. Русиё қўшинини қайтаришга уринган хиваликлар тор-мор этилдилар. Русиё қўшини Хивага деярли жангсиз кириб келди ва хон амалдорлари билан музокара олиб борди. Тинч йўл билан тузилган битимга кўра Хива хони Муҳаммад Раҳим 1873 йилнинг 12 августидан эътиборан мустақил ташқи алоқалар олиб боришдан маҳрум этилди. Айни вақтда хонлик Русиёга 22 миллион уруш товонини тўлаши шарт қилиб қўйилди. Амударёнинг ўнг қирғоғида, хонлик пойтахтига яқин жойда Петр-Александровский қўрғони

(ҳозирги Тўркўл) барпо этилди. Хива хони қарамликда ушлаб турилган бир пайтда генерал Головачев бошчилигидаги жазо тўдаси туркманларни қириб, тор-мор қилишни давом эттирди. Қўқон хони Худоёрнинг оғмачилик сиёсати туфайли учинчи ўзбек хонлиги ҳам ўз мустақиллигини оз муддат сақлаб туролди холос. 1874—1876 йилларда марғилонлик Исоқ мулла Ҳасан ўғли бошчилигидаги қўзғолон натижасида Қўқон ҳам мустақилликдан маҳрум килинди. 1872 йилда бир гуруҳ норози феодаллар Худоёрнинг қариндошларидан бўлган Пўлатбекни тахтга кўтармоқчи бўладилар. У тахтдан воз кечгач, фитначилар розилиги билан Пўлатбек исмини олган Исҳоқ мулла ғазовотнинг бошида туради. 1873 йилда унга Абдураҳмон офтобачи (Қўқоннинг собиқ ҳукмдори Мусулмонқулнинг ўғли), бундан ташқари Худоёрнинг тўнғич ўғли Насриддин (Андижон ҳокими) ва акиси Муродбек (Марғилон ҳокими) келиб қўшиладилар. Қўзғолонни бостиришга ожизлигини пайқаган Худоёрхон «пуштипанох император ҳазрати олийлтари»нинг қудратига суянади ва фон Кауфманга дўстона муурожаат қилиб, иложи борича тезлик билан Қўқонга ўрис қўшини ва замбаракларини юборишни сўрайди. Юртни сотганлиги учун Худоёрхон ва яқинларига қарши ғазовот эълон қилинади. Худоёрхон 1875 йил 2 июль куни ўз оиласи билан Тошкентга, ўрис элчихонаси паноҳига қочиб боради. Тарихчи олим Ҳ. Бобобеков «Халқ сўзи» рўзномасининг 1991 йил 20 февраль сонидида «Қўқон хазинаси қаерда?» номли хабарида ёзишича, 1875 йилнинг ёзида, Қўқон хони Худоёрхон 70 кишилик аҳли аёли, 500 га яқин ҳамроҳлари, 40 арава хазина билан Тошкентга Туркистон генерал губернатури Фон Кауфман ҳузурига паноҳ тортиб келган. Кауфман 40 арава халқ бойлигини олиб, Худоёрхоннинг ўзини Урунбургга сургун қилган. Кейинчалик хон Урунбург тутқунлигидан қочган. Тошкентдан чиққан ўрис гуруҳи қўқонликларни Макрам қалъасида мағлубиятга учратади. 29 августда Кауфман Қўқонга ғолиб сифатида кириб келади. Қўқон аъёнлари Худоёрнинг ўғли Насриддинбек бошчилигида ундан афв сўрайдилар. 22 сентябрда Кауфман билан битим тузилади. Бу битимга кўра Қўқон хони ўзини Русиё императорининг қули деб тан олади, генерал-губернатур руҳсатисиз ҳеч қандай ташқи алоқалар ёки ҳарбий ҳаракатлар қилмасликка рози бўлади. Шундай

қилиб, Қўқон феодаллари юртнинг эркини бой бериб, жонларини сақлаб қоладилар.

Хоннинг шармандали қочиши ҳақидаги хабар янги қўзғолонга сабаб бўлади. Бу гал унинг маркази Андижон эди. Қўзғолончилар Пўлатхон номи билан юрган Исҳоқ муллани хон деб эълон қиладилар. Пўлатхонга қарши жўнатилган Кауфман отряди Андижон остонасида мағлубиятга учрайди. 1875 йилнинг 7 октябрида эса қўзғолончилар хон қўшинини енгиб, Қўқонни эгаллайдилар: Насриддинхон Хўжандга, ўрислар паноҳига қочгач, 11 ноябрда Балиқчи яқинида исёнчилар генерал Скобелев томонидан тор-мор этиладилар. Скобелев қишлоқларга йўл-йўлакай шафқатсизларча ўт қўйиб, яқсон қилиб олға силжиди. Скобелев Андижон шаҳрини қотилларча тўпга тутиб, бомбардимон қилдирди, унинг ўз сўзлари бўйича уч минг чоғли одам вайроналар тагида қолиб кетган. 9 январда Скобелев вайрона Андижонга кириб боради. Пўлатхон қолган-қутган кучлари билан Учқўрғон қалъасига чекинганди. 1876 йилнинг 28 январга ўтар кечаси Скобелев томонидан юборилган отряд Учқўрғонни эгаллади, барча ҳимоячилар ўлдирилди. Пўлатхон бу ердан қочиб улгурди, аммо кўп ўтмай Марғилонда қўлга тушди.

Кауфман бир амаллаб халқ ҳаракатини бостиргач, Қўқонни мустақиллигидан маҳрум қилишга аҳд қилди, 1876 йилнинг 19 феввалида Қўқон хонлиги бекор қилинди ва унинг ўрнида Фарғона вилояти ташкил қилинди. Жазо экспедициясининг бошлиғи, бўйсунмас қўқонликларни шафқатсиз қийратган генерал Скобелев эса ҳарбий губернатор қилиб тайинланди. Хуллас, ўзбек халқи мустақиллик курашининг сўнгги босқичи Пўлатхон қўзғолони бўлди ва ундан сўнг учала ўзбек хонлиги ҳам ўрис подшолигига тўла қарам бўлиб қолди.

Урта Осиёнинг Русиё томонидан забт этилиши босқинчилик туфайли Туркистон ўлкасининг вайрон этилганлиги, меҳнаткаш халқ оммасининг чор амалдорлари ва маҳаллий золимлар томонидан эзилиши тафсилотлари рус ва маҳаллий тарихчилар, воқеанавислар, ўрис офицерлари томонидан бир қадар тўғри ёритилган. Инқилобгача яшаб ижод этган М. Терентьев, К. Абаза, А. Мактеев, А. Серебрянников, С. Дмитриев, А. Калужин, Л. Костенко, В. Наливкин, Д. Логофет каби ўрис

тарихчилари, Муҳаммад Солиҳ, Мирзо Азим Сомий, Мирза Салимбек, Баёний, Фозилбек Садри Зиё каби маҳаллий муаррихлар ўз асарларида Урта Осиёнинг чоризи томонидан босиб олинishi тарихини ҳалол ёритганлар. Дарвоқе, чоризмнинг Урта Осиёдаги ваҳшийликларини илғор фикрли сиймолар — К. Маркс, Ф. Энгельс, Л. Толстой, П. Герцен, М. Горькийлар ҳам қоралаган эдилар. Улуғ санъаткор Л. Н. Толстой босқинчи чор Русиёсининг шуҳратпараст генераллари, хўжайинга мутеъ сарбозларининг Урта Осиё ва Қозоғистонда олиб борган хунрезликларидан ғазабланган эди.

Чор истилочилари Урта Осиё ва Қозоғистон ерларини эгаллаш йўлида ҳеч қандай ваҳшийлик ва қотилликлардан тортинмаган. Русиё империясининг қонли юришларини ошқоралик даврида холис ёритиш пайти келди. Бу ўринда чор Русиёсининг биргина босқинчи генерали Скобелевнинг Урта Осиё ва Қозоғистон ерларида олиб борган хунрезликлари таърифга сизмайди. Қонхўр генерал Скобелев ўзининг босқинчи ҳарбий гуруҳи билан 1881 йилнинг 12 январида Қўктепада 22,5 мингдан зиёд бегуноҳ туркман, қозоқ, ўзбек, қирғизларни ваҳшиёна чопиб ташлайди. Туркман халқи Қўктепа мудофасида ҳалок бўлган ватанпарвар фидойилар учун 1991 йил 12 январда хотира музейи очди. Туркменистон ва қардош жумҳурият халқлари ҳар йили 12 январь кунини Қўктепада хотира кuni сифатида кутиб оладилар.

Рус тарихчиси генерал М. А. Терентьев ўзининг «Русиё ва Англиё» (Спб. 1876) китобида: «1864 йил ўрис зулмига қарши Еттисувдаги дунганлар қўзғолон кўтардилар. Лекин улар қириб ташланди, ҳаммаёқ қонга ботирилди», деб ёзади (65-бет).

«Ўрислар,— дейилган ўша китобда,— вақти-вақти билан сарбозорлар уюштириб турар, маҳаллий савдогарлардан ўз дўконларини ёпиб, сарбозорда савдо қилишни талаб қилар эдилар. Ким бунга бўйсунмаса, уларни мажбур қилар, дуконларини ёндириб ташлар, жуда катта пул жаримаси солар эдилар. Маҳаллий савдогарлар учун сарбозорлардан энг ёмон жойлар — қуёш қиздириб турадиган жойлар ажратиларди» (164-б.).

Русиё тарихчилари Туркистонни забт этишда чор Русиёсининг ўзи ночор бўлишига қарамай, дур-жаво-

ҳирлар ўлкасини қўлга киритиш учун миллион-миллионларни сарф этганлигини ёзадилар.

М. Терентьевнинг асарида «Хивани босиб олиш учун Туркистон округига 287 300 сўм, Оренбург округига 2 000 000, бошқа буромадлар учун шахсан Кауфман ихтиёрига 400 000 сўм пул ажратилди», дейилади (111-бет). Яна «Хива юришига қатнашувчи аскарларга озиқ-овқат ва отларга ем-хашак сотиб олиш учун 465 414 сўм 64 тийин пул ажратилди» (117-бет), деб ёзади тарихчи. «Турли анжомлар: от, туялар сотиб олиш учун 516 351 сўм 40 тийин ажратилганини» ёзган (153-бет) тарихчи китобнинг 283 бетига «Артиллерия запаслари учун ва лазаретлар учун 942 285 сўм пул ажратилди ва кўприкларни тузатиш учун эса 1 475 558 сўм 68 тийин пул ажратилди», деб очиқ-ойдин кўрсатади. Қўринадики, Русия империяси Ўрта Осиё ерларини босиб олиб, унинг меҳнаткаш халқларини қулликка солиш ниятида пул ва маблағни сира-сира аямаган, ўрис тарихчи олимлари қўли билан ёзилган тарих китоблари, архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, чор ҳокимиятининг генераллари, ҳарбий жазо отрядларининг офицерлари, аскарлари, маҳаллий ҳукмдорлар меҳнаткаш халққа дўқ-пўписа ва қўрқитиш, ҳийла йўли билан ўзларининг мустамлакачилик, босқичилик сиёсатларини амалга оширганлар.

1870 йил 18 январда генерал Кауфман Хива хонига хат ёзиб: «Мен сизга уч марта хат ёзиб бирортасига ҳам жавоб олмадим. Бунинг устига менинг сўнгги элчиларимни ҳам ушлаб қолгансиз. Бундай ҳаракатларга ортиқча чидаб бўлмайди. Иккитадан биттасига — ёки айтганларимизга кўнасиз — дўст бўлиб қоламиз ёки айтганларимизга кўнамасангиз душман бўлиб қоламиз» (ўша асар, 67-бет), деб дўқ қилган.

Фон Кауфман, Черняев, Куропаткин, Веревкин каби генералларнинг айтганини қилса Хива хони асосий мулкларидан ажралар, шартларини бажармаса босиб олинар эди.

Чоризм босиб олган Ўрта Осиё халқларининг ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқларини йўқ қилиб, уларни ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ва ҳарбий қолоқликда сақлаб туриш учун ўзининг тўрачилик, маҳкамачиликка асосланган бошқариш усулини жорий қилдики, бунда энг қуйи мансабдан энг юқори мансабга қадар бўлган

хамма лавозимлар фақат ўрис ҳарбий тўралари орқали идора қилинадиган тартиб ўрнатилди. Чор ҳукумати Ўрта Осиёни забт этган ва шу ўлкада яшаётган ўрис генераллари, офицер, аскарларига маҳаллий халқ тилини билганлиги, туземчилар урф-одатини ўрганишга ҳаракат қилганликлари учун ойлик маошларига қўшимча равишда 180 сўмдан пул ҳам тўлаб турган.

Маҳаллий халқлардан таланган барча бойликлар (пахта, маъдан, рангли металл, қоракўл тери, тулки териси, пилла, мева маҳсулотлари ва бошқалар) авваллари туя, от, аравалар, эшак, ҳўкизга юкланган карвонларда ташилган бўлса, Ўрта Осиёда темирйўл ўтказилгандан кейин узун эшолонлар воситасида Русияга олиб кетиладиган бўлди. Ўрта Осиёнинг ер ости ва ер усти бойликлари Русия империясининг асосий хом ашё базасига айланди.

Ўрта Осиёнинг ярим подшосига айланиб қолган «Туркистон генерал-губернатури бошлиқ бир гуруҳ муттаҳам, юлғич генераллар турли баҳоналар билан бир неча ўн минглаб гектар серҳосил ерларни зўрлик билан маҳаллий халқ қўлидан тортиб олиб, уни қиммат баҳодда сота бошладилар», (История народов Узбекистана, т. 2. Тошкент, 1947, 253—268-бетлар). Шундай зўравонлик билан маҳаллий ҳунармандлар, деҳқонларни тирикчилик манбаидан, чорвадор хўжаликларни эса яйлов ерларидан маҳрум қилдилар.

Давримизнинг машҳур сўз санъаткори, қozoқ адабиётининг улкан намояндаси Ўлжас Сулаймон 1989 йилда «Алма-Ата жали»да нашр эттирган қимматли мақолалар ва шеърлар китобида қozoқ халқининг маърифатпарвар олими Чўқон Валихонов тузган харита асосида Ўрта Осиёга ҳарбий юриш қилган генерал Черняевнинг босқинчилик сиёсатини фош этган. Ушанда генерал Черняев Петербургда ҳарбий таълим олган Чўқон Валихоновга: «Сен тузган харита менинг қўлимда экан, Қozoғистон ва Ўрта Осиёни забт этиш менинг ихтиёримдadir. Сенинг эндиликда бизга керагинг йўқ. Тўрт томонинг қибла, кетишинг мумкин», дея қўшиндан ёш олимни ҳайдаб юборади. Генераллар томонидан алданган олим Черняев устидан шикоят қилиш учун уч-тўртта офицер дўстлари билан Петербургга қараб йўл олади. Бироқ унинг адолатли талаб ва шикоятига ҳеч ким қулоқ солмайди. Зотилжам касалига йўлиққан

Чўқон Валихонов қирқ ёшга ҳам кирмай оламдан кўз юмди. Мавриди экан, шуни таъкидлаш лозимдурки, генерал Черняев Урта Осиёга қиладирган ҳарбий юришини яшириб, Чўқон Валихоновни айёрлик ва маккорлик ила алдаган. Зотан босқинчи зоти ўз мақсадига эришиш йўлида ҳар қандай тубанлик ва ваҳшийликлардан қайтмайди. Русиё империясининг тажовузкор, айёр ва доғули генераллари маҳаллий халқ ичидан етишиб чиққан илғор зиёлиларни турли йўллар билан авраб-алдаганлар.

Тарих ва ҳаёт ҳақиқатини бўяб кўрсатувчи олимлар, жумладан, улкан рассом И. Глазуновнинг ҳам «Русиё мустамлака нима эканлигини билмайдиган ягона мамлакат ҳисобланади», деб ёзиши кутилмаган лўттибозлик ва ўтмиш ҳақиқатига туҳматдир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, чор Русиёси томонидан Урта Осиёга уюштирилган истило баробарида турли-туман мақсадларни кўзлаб уюштирилган илмий юришлар ҳам ва ҳатто савдо-сотиқ алоқалари ҳам охир-оқибатда бир мақсадга — босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатига хизмат қиларди. Империя жуғрофия жамиятининг ҳақиқий аъзоси Д. Логофет асримиз бошларида Қозоғистон ва Урта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб бир неча саёҳатлар уюштиради. Олим ўзининг «Урта Осиё чегараларида», «Ҳуқуқсизлик ўлкасида», «Русиё — Афғон чегараси», «Бухоро тоғлари ва текисликларида», «Бухоро — Афғон чегараси» сингари асарларида Урта Осиё ва Қозоғистон мулкларини босиб олишдаги қонхўрликлардан кўз юмолмаган. Д. Логофет 1868—1880 йилларда Русиё империясининг такаббур генераллари Черняев, Кауфман, Куропаткин, Скобелевлар Урта Осиёнинг қишлоқ ва шаҳарларини бузилган ўлкага айлантирганликлари-ю, бегуноҳ халқнинг қонини тўкканларининг тирик гувоҳидир.

«1868 йилда,— деб ёзади Д. А. Логофет «Бухоро тоғлари ва текисликлари» китобида,— амирлик анчагина қўшин тўплаб бизнинг сарҳадларимизга ҳаракатидан сўнг махсус отряд тузилди ва у Тошкент тарафдан ҳужумга ўтиб, кўп қон тўкишлардан сўнг Бухоро қўрғонлари — Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғонни биринкетин эгаллай бошлади. Шундай қилиб, бутун Зарафшон водийсининг юқори қисми эгалланиб, Русиё томонидан босиб олинди». Д. А. Логофет истилочиларнинг

Самарқанд, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарларини забт этиш тафсилотларини батафсил баён этади. «Самарқанд ўрислар қўлида бўлиши»га ва унда ўрис қўшинлари жойлашганлигига қарамасдан, Шаҳрисабз воҳасида жуда кўп кўнгиллилар қўшини тўпланди ва Китоб беги Жўрабой, Яккабоғ беги Муҳаммад Ражаб бошчилигида Самарқандга қараб юрдилар, шаҳарни қамал қилдилар. Аммо ўрис аскарлари генерал Кауфман гуруҳи етиб келгунча қаршилик кўрсатиб турдилар. Шаҳрисабз беклари мағлубиятга учрагач, улар тоғларга чекинишга мажбур бўлдилар». Генерал Скобелев юришларида иштирок этган В. Наливкин «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» (Қозон, 1888 й.) деган асарида Қўқон хонлигининг чор Русийеси истилоси давридаги иқтисодий ва сиёсий аҳволини тасвирлайди. Ўрта Осиёда чоризм зулмига қарши халқ қўзғолонларидан бири Андижонда пойтуғлик эшон Султонхон Тўранинг муриди, «Дукчи эшон» номи билан танилган 42 яшар Муҳаммад Али Халифа (Мадали эшон) бошчилигида бўлди. Дукчи эшон суддаги жавобиди: «Ўрис ҳукумати закот олишни бекор қилди, вақфларни даромаддан маҳрум этди ва Маккага ҳажга боришни таъқиқлаб қўйди», дейди. Оқпошшо томонидан олиб борилган зулм, зўрликнинг авж олишига қарши 1898 йил 17 май кечқурун Мингтепа (Марҳамат)дан 200 отлиқ, 300 та пиёда мужоҳид шаҳарга юриш бошлайди. Дукча Эшон бошчилигида қўзғолончилар Андижон шаҳрида жойлашган ҳарбий гарнизонга ҳужум қилиб, 23 та ўрис аскарини ўлдириб, 24 тасини ярадор қилиб, 30 тача милтиқни ўлжа олдилар.

«Эшон тўполони» тезда Қува, Асака, Шаҳрихон, Аравон қишлоқлари, Уш, Марғилон, Наманган шаҳарларига кенг ёйилади. Бироқ ўрис генераллари томонидан қарши ҳужум уюштирилиб, қўзғолончилардан шафқатсиз ўч олинади. Дукчи эшон билан бирга Рустамбек Сотиболди ўғли, Ғойибназар Ортиқхўжа ўғли, Субҳонқул, Бўтабой, Мулла Мирза Ҳамдамлар қўлга олиниб, бутун халқ ва айниқса ёш болалар иштирокида қўзғолончиларни дорга осиб ўлдирадилар. Тарихчи олим С. Жалиловнинг «Андижон» рисоласида ёзилишича, подшо Николай II қўзғолончиларни «намуна» бўладиган қаттиққўлик билан жазолашни буюради. Қўзғолончилар устидан бошланган суд 3 ой давом этиб, дастлаб 447 киши суд қилинади, 800 га яқин киши гувоҳ-

ликка чақирилади. Қўзғолон ҳақидаги суд материали «Андижонское дело» 20 жилдни ташкил қилган экан. Суд 380 кишини жазолашга ҳукм чиқаргач, дастлаб 362 киши отиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Қўзғолончилардан 351 киши турли муддат билан қамалиб, 15 киши оиласи билан Сибирга сургун қилинади. Қўзғолон маркази деб топилган Мингтепа, Тожик, Қашқар қишлоқларини 3 кун тинимсиз тўпга тутилиб, кунпаякун қилинади. Дукчи эшон бошчилигидаги халқ қўзғолонинг бостирилишида жасорат кўрсатган 15 та ўрис сипоҳи ва аскарлари империянинг орден, медаллари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Бу ўринда баъзи кўрсаткичларга эътибор беринг, қўзғолончилар 23 та ўрис аскарини сўйган, 24 тасига тан жароҳати етказган. Бунга жавобан қўзғолончилардан 362 киши отиб ўлдирилди, 6 киши дорга осилди, 12 киши отилди, 351 киши турли муддат билан қамалди, 15 киши оиласи билан Сибирга сургун қилинди. Шаҳар ва қишлоқларни 3 кун тўпга тутилиб, меҳнаткаш халқ уйи ҳонавайрон этилди.

Ўрта Осиёдан чиққан Абумуслим, Фойиқ Турк, Амир Темур, Бобур сингари улкан саркардалар жами тарихий рисола ва тадқиқотларда босқинчи, золим сифатида таърифланади. Золимлик бобида улардан қолишмайдиган Иван Грозний, Борис Годунов, Екатерина, Николай каби ўрис подшоларини эса одил, доно қилиб таърифлаймиз.

Тарихдан маълумки, тарқоқ Русиё устидан узоқ йиллар ҳукмронлик қилиб келган мўғул-тотор империясининг белини синдирган Амир Темурнинг халоскорлик хизмати бебаҳодир. Олтин Ўрда хонлигининг зулмидан қутулган ўрис князликлари Иван Грозний раҳбарлигида бирлаштирилди. Қозон (1552), Хожи Тархон (Астрахан) (1556) хонликларини босиб олган Иван Грозний тезда Волга қирғоқларини бутунлай ишғол қилиб, 40 кунлик қамалдан сўнг Қозон шаҳрини эгаллайди ва унинг атрофидаги муқим тоторлар, бошқирдларни қиличдан ўтказиб, ихтиёридан серҳосил ерларини тортиб олиб, мусулмон динидаги бу халқларни зўрлик билан насроний динига кирита бошлайди. Тотор ва бошқирдларнинг Кремль майдонига кириши. Волга яқинида яшаши ман қилинган, имон даргоҳи — мачитлар бузиб ташланиб, уларнинг маълум қисми ўрис чер-

ковларию, ибодатхоналарига айлантирилган ёхуд мослаштирилган. Волга бўйидаги, Ғарбий Сибирдаги ўнлаб халқларни қирдириб юборган Иван Грознийнинг жаллодлиги тарихи шаънига мадҳиялар ўқилди, ўқилмоқда. Айниқса, сталинча қатағон йилларида яратилган «Иван Грозний» номли асарда қадимги ўрисни қилич билан бирлаштирган золим подшо сиймосида ўзининг чексиз ёвуз ниятларини муттасил давом эттираётган йўқсуллар доҳийсининг ижобий хислатлари мужассам этилганига қойил қоласиз! Иван Грозний ҳақда бадий асарлар, тарихий ва солномавий бадий фильмлар, опера, балетлар яратилган. Волгабўйи халқларини бўйсундирган Иван Грозний кўп ўтмасдан Сибирь ерларини забт этишга киришди. Атаман Ермак бошлиқ казаклар Сибирдаги Кўчум хонлигини тугатиб, Ғарбий Сибирь ерларини босиб олди. Сибиряда тарихан муқим 30 дан ортиқ ўрис бўлмаган маҳаллий халқларнинг мулкани тортиб олиш, ўзларини қириб ташлаш айнан шу асрдан бошланди. Истилонинг қора булутлари Қозоғистон ва Урта Осиё осмонида қуюқлаша бошлади. Василий Псярков, Тимофей Хабаров бошчилигидаги илк экспедициялар Амур ўлкаси ва Тинч океани қирғоқларига қадар чиқиш билан якунланди. Шарқий Сибирь, Чукотка, Қамчатка, Сахалин босиб олинган, маҳаллий халқлар ўрис мустамлакасининг чангалида қолдилар. Уларнинг ов манзиллари, буғу боқиладиган ўтлоқлари тортиб олиниб, ўзлари қириб ташланди ва ёхуд яшаш учун ноқулай бўлган узоқ шимолий тайгаларга, ботқоқзорларга ҳайдаб юборилди. Босиб олинган ерларни мангу мустамлакага айлантириш ва ўрис аскарлари тиги етган юртларни Русия деб аташ миллий анъанасининг яратувчиси Иван Грознийдир. У эса тарқоқ ўрис ерларини бирлаштирган буюк подшо деб кўкларга кўтариб мақталди. Москва, Ленинграднинг ўнларча музейларида ўрис князларию подшоларининг, уларнинг аждоду-авлодларининг тутган буюмлари, кийимлари табаррук ашё сифатида ардоқланмоқда, бузиб ташланган ёки эскирган соборлари миллионлаб пул сарф қилиниб таъмирланмоқда, бойитилмоқда, тўлдирилмоқда. Бу ҳайрли ишлар насроний динининг қабул қилинишига минг йил тўлиши муносабати билан Русияда бошланиб кетган оммавий тантаналардан сўнг янада авжига чиқди.

Бизда эса маҳаллий югурдакларнинг «зукколиги» сабабли юртнинг асл эгаларининг Ватан ўтмишини ўрганиш миллатчиликка олиб келади, деган машъум ақида асосида барча маданий ёдгорликлар, меъморчилик обидалари бузиб ташланди, йўқ қилиш ҳамон давом этмоқда. Ярим вайрона тарихий обидалар қаровсиз ҳолда, таъмирлашга маблағ топилмайди. Урта Осиёдан чиққан буюк тарихий сиймолар ҳақида эса тўла бўлмаган, ёмон сақланган қўлёзма манбалардан бўлак ҳеч нарса сақланган эмас, аксарияти йўқотилган, Масковга олиб кетилган, қолганлари ҳам «тасодифан» ёниб кетмоқда ёхуд ўғирлангач топилмасдан келмоқда. Уч хонлик хазиналари гумдон қилинди.

Машҳур ёзувчи ва олим Абдурауф Фитрат тарихий обидаларга, ўтмиш меросга нотўғри, нигилистик муносабат ҳақида «Сайёх ҳиндий» (1912) асарида шундай ёзган эди: «Оврўпаликлар ўзларидан келажак учун ёдгорлик қолдирадилар, ҳар кун яхшилик учун бир сарой қурадилар, мусулмонлар эса келажак авлод аждодларини унутмаслиги учун ёдгорлик қолсин деган аъмонни эсга ҳам олмайдилар. Ҳатто ўз салафларимиз ва буюк одамларимиз қолдирган ёдгорликларни вайрона ва харобага айлантирамиз».

Туркистон генерал губернатури фон Кауфман императорга ёзган мактубларининг бирида истило Урта Осиё халқларининг маданиятини, ижтимоий тараққиётини уч юз йилча орқага суриб юборганлиги тўғрисида мақтаниб ёзган. Шубҳасиз, инқилобдан аввал мачит, мактаб, мадрасаларда ўқишлар чегараланган, араб, форс, тожик ва туркий халқлар тилларида битилган ноёб қўлёзмалар чор маъмурияти томонидан куйдирилган ва олиб кетилган, инқилобдан кейин Сталиннинг қирғинбарот даврида эса маърифатлилар билан бирга эски китоблар ҳам йўқ қилинганди. Бу зулм-зўрлик ҳақида ёзадиган бўлсак қалам фарёд чекади.

Маълумки, 1916 йил июнда Николай II нинг «Империдаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги армия районларида ҳарбий иншоатлар ва шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай оғир ишларга жалб қилиш» ҳақидаги фармонида кўра, Сибирь, Урта Осиё, Қозоғистон, Закавказьедан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг кишини мардикорликка олиш бошланиб кетди. Чор Россияси истилочиларининг

маҳаллий аҳолидан мажбуран мардикорликка олиш фармониға қарши Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўлкаларида халқ қўзғолонлари бўлиб турди. Чоризм зулмиға қарши халқ қўзғолонларининг энг кучлиси Жиззах шаҳрида бўлган эди. Чор чиновниклари, маҳаллий амалдорларнинг ва ҳарбий босқинчиларнинг сиқувидан сабр косаси тўлиб тошган халқ эндиликда оқпошшоға текин мардикор беришдан бош тортди. Жабрдийда меҳнаткаш халқ бир ёқадан бош чиқариб, кураш майдониға чиқди. Бироқ қуролсиз, ҳимоясиз меҳнаткаш халқнинг қонуний талабларига чор Россиясининг босқинчи генерал ва офицерлари замбарак, пулемёт ва милтиқдан отилган ўқ билан жавоб бердилар. Чор жаллодлари билан халқнинг қонли тўқнашувида қанчадан-қанча бегуноҳларнинг қони дарё бўлиб оқди. Қанчадан-қанча соддадил деҳқон, косиблар мажруҳ этилди, Сибирға сургун қилиндилар. Қанчадан-қанча ёшу қари, хотин-қизлар жанг майдонида сувсиз балиқдек типирчилаб жон бердилар. Бу ўринда биз журналист Лутфулла Олимийнинг «Ёр юзи» жаридасининг 1926 йил, 11- сониде эълон қилинган мақоласидан кўчирма келтирамиз:

«Қўп ўтмасдан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлгон кишиларнинг рўйхати бошланди. Шунинг билан бирға халқнинг юрагига 30 йилдан бери подшо истибдодига қарши ҳозирлонгон исён оловланди, ҳар ерда ташвиқот:

— Подшоҳ энг аввал отларимизни олиб пиёда қолдирди, бизни кучсизлантирди. Энди 19 ёшдан 43 ёшгача бўлгон бутун йигитларимизни олиб, бизни бутунлай битирмоқчи. Мамлакатимизни ўрис унсури билан тўлдирмоқчи!

Буни зиёлилар сўзлайди.

Имомларнингда бир фикр бор:

— Мусулмонларнинг душмани бўлгон оқпошшо бизнинг наслимизни қуритиб, ислом динини йўқотмоқчи.

Эртаға рўйхат бошланади... деган хабарға халқ мана бу хил жавоб берадир:

— Биз рўйхат қилдиргани қўймаймиз. Подшоҳға болаларимизнинг тирноғини-да бермаймиз!

Тонг отди; бу кунги иссиқлик бошқа кундагиларға қараганда иссиқроқ. Шамол ҳам йўқ. Қушлар ҳам сайрамайдилар. Бу дунё аллақандай даҳшатлар кутади. Ана пристав, мингбошлар, палислар маҳаллага халқни рўйхат қилиш учун чиқдилар, лекин маҳаллаларда,

ўйларда ёш болалар, қари хотинларгина қолгон: ёш кишилар ҳаммаси ҳукуматга қарши кураш учун бир жойга тўплонгон. Ҳамманинг ёнида пичоқ, болта, ханжар ва бошқа ўтсиз қуроллар. Йиғилгон халқ орасида сўфилар, зокирлар ҳам бор, зикрисамоъ билан халқнинг диний ҳаяжонини ордирдилар.

Мана ҳозир халққа қарши солдатлар, милтиқлар, пулемётлар келадир. Лекин халқ қўрқиш даражасидан ўтган.

Ҳоким томондан буйруқ:

— Тарқалинлар!

Халқ жавоб беради:

— Сен солдатларинг ва пулемётларинг билан кет, сўнгра биз тарқаламиз!

Кўп-да ўтмади. Эллик мингдан ортиқ халққа қарши пулемётлар ва милтиқлардан отиш бошланди. Халқ бошда ўлганига қарамасдан пулемётни қўлга киритишга уриниб кўрса-да, ундан ёмғир сингари ёғилиб тургон ўқлар халқни яқинига келтирмади. Пичоқлар, милтиқлар билан пулеметга қарши кураша олмади. Халқ енгилди. Халқ қочди. Солдатлар, полислар уларнинг орқасидан қувлаб бориб ўнг келган жойда отди, чопди, майдонда, кўчаларда йигитлар, чоллар, ўспиринлар қонларга бўялиб ётадир. Иккиқат хотунларнинг қоринлари устида подшоҳ солдатларининг найзаси санчилиб турадир. Йиқилгон гўдакларнинг қизил лаблари кўкарган, ёш қизларнинг кесилган бошларидаги қора сочлари юзларига ўралиб, уларнинг бетларини қонхўрларнинг кўзларидан сақлайдилар. Ярадорларнинг инграган товушлари яқинда оқиб шовуллаб тургон сувга қўшилиб оқадир. Шаҳар қон ичида. Халқ қилар ишини билмайди. Майдонга чиқмоқ учун қўлида қурол йўқ». («Шарқ юлдузи», 1991, 5-сон, 181-бет).

Ҳа, золим «оқпошо»нинг шум нияти Туркистон ўлкаси халқларини қириб ташлаб, бу жапнатмакон муқаддас еримизда ўз юртдошларини жойлаштириш эди. Шу боис шаҳдам қадимлар билан мағрурона қилич ўйнатиб келган Русия империясининг солдат, офицерлари ва шуҳратпараст генераллари «рус солдатининг оёғи теккан ерда чекиниш бўлмайди», «ўлка халқларини бўлиб ташла-да, ҳукмронлик қил» шиорлари остида иш тутиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерларида узоқ вақт босқинчилик ва талончилик олиб бордилар.

Ушбу рисолада берилаётган далиллар ва Верещягиннинг келтирган маълумотлари шуларни аниқ-равшан, изоҳларсиз кўрсатиб турибди:

Ҳиндистон билан савдо алоқаларини кенгайтириш ҳамда Хива билан тотув муносабат ўрнатиш мақсадида император Петр Биринчи Хива ва Ёркентга отрядлар юборди.

1715 йилда тўрт ярим минглик Бухгольц отряди Балхаш кўлигача етиб келди ҳамда у ерда қалъа тиклади, бироқ чекинишга мажбур бўлди.

1717 йил князь Бекович-Черкасский отряди (3727 пиёда, 617 отлик-драгун, 2000 казак, 230 денгизчи ва 22 тўп билан) Хивага йўл олди.

9 июнда отряд Гурьев шаҳридан чиқиб қумли дашт ва саҳролар оша 2 ой йўл босгач, Хивага кириб келди.

Хиваликлар аввал тўла тобеъликларини билдирдилар ва князь Бековичнинг отрядига қулай бўлсин учун ўз отрядини кичик қисмларга бўлиб жойлаштиришга кўндирдилар, кейинчалик эса пайт пойлаб, ҳаммасини қириб ташладилар.

Дастлабки уринишдаги омадсизлик ўрисларни тўхтатиб қололмади, кейинги ҳужумлар улуғ Петр I белгилаб берганидек икки томонлама: Фарбдан — Ёйиқ (Урол) дарёси орқали, Шарқдан — Фарбий Сибирь орқали олиб борилди.

1735 йил

Оренбург шаҳри қурилиб тупроқ қалъа билан ўралди.

1754 йил

Чўл мулкларимизга қирғиз ва бошқирдларнинг босқинчилик қилишларига барҳам бериш учун Оренбург шаҳридан Илецк томон (Оренбургдан) таркибида 1 баталён ва 1 батарея бўлган отряд юборилди. У ерда ҳам қалъа ва қўрғон қурилди.

1778 йил

Пугачев қўзғолони, қирғизлар ва қалмоқлар босқинлари сабабли Оренбург гарнизони кенгайтирилди. Босқинлардан сақланиш учун Орск қалъаси тикланди.

ИМПЕРАТОР НИКОЛАЙ I ҲУҚМДОРЛИГИ ДАВРИ

1833 йил

Шимоли-шарқий Қаспийбўйи мулкларимизни хи-
валиклар босқинидан ҳимоя қилиш мақсадида Ново-
Александровск истеҳкоми қурилди.

1839 йил

ОТРЯДЛАР ҲАРАКАТИ

Сибирь томондан. Қирғизлар ғалаёнини бостириш ҳамда Султон Кенисар-Қосимов тўдаларини қириб таш-
лаш учун Жениер-Оғочга полковник Горский бошчили-
гида Сибирь сафарбар қўшинларининг казак отряди
(икки замбарак билан 1/2 полк) жўнатилди. Сибирь
томондан ҳаракат қилувчи асосий ҳарбий кучлар: 8-
Ғарбий Сибирь (ҳозирги 17-Туркистон ўқчи) баталёни,
1860 йилдан эса 3, 5, 7 ва 12-Сибирь баталёнлари ўқчи
роталардан иборат қўшма ўқчи баталёнлар (ҳозирги
1-Туркистон ўқчи баталёни), Сибирь казак қўшинининг
21-батареяси (ҳозирги 1-Туркистон артиллерия брига-
дасининг 2-батареяси) ва 1-Туркистон артиллерия брига-
дасига қарашли 1-пиёда батарея.

Оренбург томондан. Босқинларга чек қўйиш ва рус
асирларини озод қилиш мақсадида Хивага граф Пе-
ровский отряди (15 рота, 3 полк казак, 16 та замбарак)
юборилди. Фавқулодда оғир қиш шароитидаги уриниш-
лардан сўнг отряд Хивага етолмай, 1840 йилда Орен-
бургга қайтиб келди. Оренбург йўналишидан ҳаракат
қилган асосий ҳарбий кучлар: 4-Оренбург сафарбар
баталёни (ҳозирги 10-Туркистон ўқчи баталёни) 1864
йилдан эса 2-Оренбург сафарбар баталёнининг 1-взводи
(ҳозирги 9-Туркистон ўқчи баталёни), 1865 йилда Тур-
кистон вилояти ташкил этилиши муносабати билан 6-
ва 9-Оренбург сафарбар баталёнлари (ҳозирги 6- ва
19-Туркистон ўқчи баталёнлари), 4-Ғарбий Сибирь (ҳо-
зирги Тошкент резерв) баталёни, 1866 йилдан бошлаб
Оренбург сапёрлар ротаси (ҳозирги Туркистон сапёр-
лар ротаси), Оренбургдан 147-Самара пиёдалар полки-
нини (1868 йил ортга қайтарилган) баталёни юборилди.

1843 йил Ҳарбий ҳаракат бўлмади.

Чўлдаги доимий ғалаёнлар сабабли Орск қалъасидан икки отряд юборилди: қўшин старшинаси Лобов (1 замбарак ва 2 юзлик) ва полковник Бозанов (1 рота, 1 юзлик, 1 замбарак). Исёнчи Султон Кенисар қўлга олинди ва қатл қилинди.

1844 йил Ҳарбий ҳаракат бўлмади.

1845 йил Ҳарбий ҳаракат бўлмади.

Тўрғай дарёси қирғоғида Оренбург истеҳкоми тикланди. Қирғиз дарёси бўйида Урол истеҳкоми барпо этилди. Ново-Александровск истеҳкоми Манғишлоқ яриморолига кўчирилди ва унга Ново-Петровск номи берилди (1857 йилда Александровск деб ўзгартирилди).

1846 йил Ҳарбий ҳаракат бўлмади.

Мунажжим Ломон ва капитан Шульц илмий текшириш экспедицияси Орол денгизи ҳамда Сирдарё ҳавзасига етиб келди¹.

1847 йил Ҳарбий ҳаракатлар бўлмади.

Генерал Обручев отряди (4 рота, 3 юзлик, 4 замбарак) томонидан Орол денгизининг шимоли-шарқий қирғоғи босиб олинди ва Раим (ҳозирги Қазалинск) истеҳкоми қурилди.

Низоли масалаларни ҳал қилиш учун қирғизлар қурултойи ташкил қилинди. Сирдарё ҳавзаси босиб олиниши оқибатида хиваликлар ва қўқонликларнинг мунтазам қаршилик ҳаракати вужудга келди.

Хиваликлар ва қўқонликларнинг бир неча ҳужумларидан ҳимояланиш учун отрядлар жануб тсмон кўча бошлади, 23 августда полковник Ерофеев (2 замбарак билан қурулланган 200 казак аскар) хиваликларни тор-мор қилиб, Жон Хўжа қалъасини эгаллади. «Николай» ва «Константин» кичик кемаларидан иборат Орол флотилияси ташкил этилди.

1848 йил Хиванинг Хўжа Ниёз қалъаси забт этилиб, бузиб ташланди.

1849 йил Ҳарбий ҳаракатлар бўлмади.

1850 йил

Копалск отрядининг (50 пиёда, 175 казак, 2 замбарак) Или дарёсининг нариги қирғоғига кечушни таъминлаш, истеҳком қуриш учун ҳаракати бошланди.

¹ XIX асрда Қозоғистон ва Қирғизистон ерлари Қўқон хонлиги қарамоғида эди (М. Ҳ.).

Майор Энгман отрядининг Раим қўрғонидан чиқиб (1 рота, 1 юзлик 1 замбарак) қўқонликлар тўдасини тор-мор этиши, Қўш қўрғон истеҳкомининг олиниси.

1851 йил

Сибирь казак қўшини полковниги Карабашев отряди (5 рота, 5 юзлик, 6 от қўшилган замбарак, 1 та ракета станог) Или дарёсидан ўтиб, Қўқон хонлигининг Тўйчибек қалъасини олди ва вайрон қилди.

Майор Энгман отряди (75 Урол казаклари, 22 отлик ўқчи, 1 тоғ замбараги) Оқча Булоқ яқинида Қўқон беги Еқуббек қўшинини тор-мор қилди.

1852 йил

Аяжуз (Сергиопол) истеҳкомидан Хитой шаҳри Чугучакка отряд (1 юзлик) юборилди ва Ғарбий Сибирь казакларининг 2 юзлиги жойлашиши учун жой белгиланди.

Полковник Бларамберг отряди (бир ярим рота, 2 юзлик, 5 замбарак) Қўқон хонлигининг Оқмачит Қалъасига томон ҳаракатидан сўнг Кумушқўрғон, Чимқўрғон, Қўшқўрғон истеҳкомлари вайрон қилинди.

1853 йил

Сибирь томондан ҳарбий ҳаракат бўлмади.

Граф Перовский отряди (тўрт ярим рота, 12 ярим юзлик ва 36 замбарак ёрдамида) ҳужум қилиб Оқмачит қалъасини қамал билан олди.

Оқмачитга «Перовский форти» номи берилди. Оролда «Перовский форти» истеҳкомларидан Сирдарё йўналиши ташкил этилди.

1854 йил

Верний истеҳкоми қурилди (аввалги номи Олма Ота), Или водийси эгалланди. Заилийск бўлими тузилди.

1855 йил

Тоғли ёввойи қирғизларни қўқонликлардан ҳимоя қилиш учун Вернийдан Пишпекка 1 та юзлик ракета станогли билан қуроллантирилиб юборилди.

ИМПЕРАТОР АЛЕКСАНДР II ПОДШОЛИГИ ДАВРИ

1856 йил

Полковник Хорментовский отряди (1 рота, 1 юзлик, 1 ракета станогли) томонидан кизаевликлар ва тоғлик қирғизларнинг катта ўрдасига кирувчи топай уруғи бўйсундирилди.

Сирдарё сафарбар отряди бошлиғи генерал-майор Фон-Фитингоф (320 пиёда, 300 казак, 3 замбарак, 2 ракета станогли) томонидан Хўжа Ниёз истеҳкоми эгалланди.

1857 йил Ҳарбий ҳаракат бўлмади.

26-февралда генерал Фон-Фитингоф отряди (200 пиёда, 300 казак 2 замбарак) билан хиваликларни тор-мор қилди ва оғмачилик қилган қирғизларни жазолади.

1858 йил

Илиорти ўлкаси отряди бошлиғи подполковник Перемильский бошлиқ қўшин (1 рота, 2 юзлик, 2 отлиқ артиллерия) катта ўрда қирғизларини бўйсундирди ҳамда 5 000 кишилиқ Тошкент ва Қўқон отрядлари Чу дарёси водийсига суриб ташланди.

1859 йил

Илиорти ўлкаси отряди бошлиғи (икки ярим рота, 2 юзлик, 1 взвод отлиқ артиллерия, 4 ракета станогли, 2 та замбарак). Чу водийсининг юқори қисмини, Қўқоннинг Тўқмоқ ва Пишпек қалъаларини ўраб олди.

Полковник Дандевелем Каспий денгизи шарқий қирғоғини ўраб олди ва денгиздан Хивагача борадиган йўлни ўрганди. Полковник Игнатъев элчилари Хива ва Бухорога, Валихонов бошлиқ элчилар эса Қашқарга борди.

1860 йил

Полковник Циммерман отряди (6 рота, 600 казак, 200 қирғиз, 12 оғир замбарак, 4 ракета мосламаси, 8 та мортир) қўқонликларнинг 5 минг аскарлик қўшини рус чегараларига бостириб кирганда яксон қилди. Тўқмоқ ва Пишпек қалъалари бузиб ташланди. Илиорти ўлкаси Олатов округи деб ўзгартирилди. 21 октябрда подполковник Колпаковский отряди (13 рота, 2 юзлик, 6 замбарак, 2 ракета мосламаси) Қоракўзтоғ дарёси бўйидаги Узуноғочда 20 минг кишилик қўқонликлар қўшинини яксон қилди.

1861 йил

Сибирь казаклари қўшини ясовули Будаков отряди (20 казак, 24 отлик ўқчи, 2 ракета мосламаси) томонидан тоғли қирғизлар (Сарабиш уруғи) бўйсундирилди ва катта ўрдага бостириб кирган қўқонликлар тор-мор этилди.

23 сентябрда генерал-лейтенант Дебу (1000 паст унвонлилар, 9 замбарак, 3 ракета мосламаси) отряди томонидан Қўқон хонлигининг Янгиқўрғон қалъаси вайрон қилинди.

1862 йил

Полковник Колпаковский отряди (4 рота, 2 юзлик, 4 замбарак) томонидан 14 апрелдан 15 майгача Чу орти ўлкаси ўраб олинди ва Қўқон хонлигининг Марки қалъаси ишғол қилинди. 24 октябрда 8 рота, 1 юзлик, 8 замбаракдан иборат отряд ёрдамида Қўқон хонлигининг Пишпек қалъаси қайта босиб олинди.

1863 йил

Бош штаб капитани Проценко (2 рота, 1 юзлик, 2 та тоғ замбараги) Олтин Умол довоинини эгаллаш учун юборилди.

17 июнда хитойликлар билан отишма бўлди ва Бархузир олинди.

18 июнда хитойликлар Кўшбурунда мағлубиятга учрадилар.

22 июнда Икечайтда хитойликлар билан жанг бўлди.

1864 йил

Полковник Черняев отряди (8-чи Ғарбий Сибирь баталёнининг 5 ротаси, Ғарбий-Сибирь баталёни 3-, 5-ўқчи роталари, 9-Ғарбий Сибирь баталёнининг 4-ротаси, Сибирь казаклар артиллериясининг 1-взводи, пиёда тоғ батареяси ва 1-Сибирь казаклар полки билан) 4 июнда Қўқоннинг Авлиёота қалъасини ҳужум билан олди.

18 июндан 1 июлгача подполковник Лерхенинг учар отряди (2 рота, ярим юзлик, 2 тоғ замбараги, 1 та ракета мосламаси) Қорабура қорли довонидан ошиб Чирчиқ водийсига ўтди. Қўқонликларнинг тарқоқ қўшини кириб ташланди ва қорақирғизлар бўйсундирилди.

4 июлда Қўқон хонлигининг Чиноз қалъаси эгалланди. 7—10 июль оралиғида отрядлар Авлиёотадан Ёй Кечув сари силжиди.

11 июлда шиддатли ҳужум билан Манкент эгалланди.

12—15 июль кунлари Қиштирма томон жанглар билан юриш давом эттирилди.

16 июлда полковник Лерхенинг учар отряди (3 рота, 1 ўқчи отлик рота, 2 отлик тўп-замбараклар) қўқонликларга қарши жанг қилди ва Сибирь отрядини Оренбург отрядлари билан бирлаштириш учун Оқбулоққа юборилди.

12 июнда полковник Веревкин отряди (тўрт ярим рота, 2 юзлик, 10 замбарак, 6 мортир, 2 ракета мосламаси) билан Туркистон шаҳрини олди. 10—14 июль кунлари капитан Майер отряди (2 рота, 1 юзлик, 3 замбарак, 1 ракета мосламаси) Чимкентга қараб юрди.

14—15 июлда Оқбулоқда 10 минг қўқонлик билан жанг бўлди.

16 июль Сибирь ва Оренбург отряди қўшилди.

17 июлда бирлашган отрядларнинг полковник Лерха бошчилигида жанг билан Қўшдўрмондаги генерал Черняев асосий отряди томон юриши бошланди. Сибирь ва

Оренбург отрядлари қўшилганидан кейин эгалланган чўлга «Янги илғор Қўқон йўналиши» деб ном берилди.

Бирлашган отрядларнинг ҳаракати.

22 июль. Чимкент қалъаси ўраб олинди ва 25 минг аскарлик Қўқон қўшинлари билан жанг бўлди.

14 сентябрь. Чимкент қалъасига иккинчи юриш: Туркистондан генерал Черняев отряди (3 рота 4-Оренбург йўналишидан, Урал-Оренбург баталёнларининг 1-, 2-взводлари, 2 замбарак, бир ярим юзлик ўрол ва Оренбург казаклари).

19 октябрь. Отрядлар қўшилди. Қўқонликлар билан тўқнашув Сайрамнинг олиниши билан тугади.

22 сентябрь. Чимкент қалъаси олинди.

4, 5 ва 6 декабрлар. Иқон остонасида 10 минг қўқонликлар юзбоши Серов отряди билан тўқнашди.

1865 йил

29 апрель. Генерал Черняев отряди (8-Ғарбий Сибирь баталёнининг 2 ротаси, ёрдамчи ўқчи баталёнининг 4 ротаси, Ғарбий Сибирь баталёнининг 1 ротаси, 4-Оренбург баталёнининг 2 ротаси, 2-Оренбург сафарбар баталёни, Сибирь пиёда дивизиони ва отлиқ артиллерияси, Сирдарё қалъасининг ҳаракатдаги артиллерияси, бир ярим ўрол казаклари юзлиги, ракетачилар командаси) томонидан Қўқон хонлигининг Ниёзбек қалъаси олинди.

9 май. Сари тепада қўқонлик Олимқулихон лашкари билан жанг бўлди.

15—17 июнь. Тошкент шаҳри штурм билан забт этилди.

Туркистон вилояти ташкил этилди.

12—15 сентябрь. Полковник Пистолькорс отряди (қўшма ўқчи баталёнининг 4 ротаси 6-Оренбург баталёнининг ўқчи ротаси, Сибирь казаклар артиллерияси дивизиони ва 1 казак юзлиги) томонидан Чирчиқ орти ўлкаси ва Кеелувчи қалъаси олинди.

1866 йил

Тошкентнинг ишғол қилиниши бухороликлар билан тўқнашувга сабаб бўлди. Бухороликлар Хўжандни босиб олди. Улар Тошкентга даъвогар эди. Рус элчилари Бухорога юборилди. Черняев отрядининг Бухоро мулкларига қишки экспедициясида Оренбург ўқчи баталё-

нидан 4 рота, 6-баталёндан 2 рота, 7-баталёндан 2 рота, 3-Оренбург баталёнидан 4 рота, ўролликлардан 3 юзлик Оренбург казаклари, 1-батарея, енгилкўчар батареянинг 1-взводи, 1 отлиқ тоғ батареяси, Оренбург сапёрлар ротаси ва 147-Самара полкининг ўқчилар ротаси қатнашди.

12 январь. Сирдарёни кечиб ўтиш бошланди.

12—19 январь. Жиззах шаҳрига қараб юриш давом эттирилди.

Чиноз қалъаси қурилди. Генерал Черняев ортга қайтди. Отряд қўмондонлигини генерал Романовский қабул қилди.

8 май. Генерал Романовскийнинг Эржар томон юриши Бухоро қўшинининг мағлубияти ва истеҳкомлаштирилган ўрданинг қўлга киритилиши билан тугади.

24 май. Хўжанд штурм билан олинди.

2 октябрь. Уратепа босиб олинди.

18 октябрь. Жиззах қалъаси босиб олинди.

1867 йил

27 май. Полковник Абрамов отряди томонидан (Оренбург ўқчи баталёнининг 2 ротаси, Оренбург казаклар батареясининг 1-взводи, Оренбург казакларининг 2 юзлиги ва 4 ракета мосламаси) Янгиқўрғон истеҳкоми олинди.

14 июль. Император томонидан Туркистон ҳарбий округи таъсис этилди.

1868 йил

Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-адютант фон Кауфман отрядининг (3-Туркистон баталёнининг 3 ротасин, 4-баталённинг 3 ротаси, 5-баталённинг 4 ротаси, 6-баталённинг 4 ротаси, 9-баталённинг 4 ротаси, сапёрларнинг бир ярим ротаси, 10 замбарак, 500 казак) ҳаракати бошланди.

1 май. Самарқандни эгаллаш учун бўлган жанг шаҳар остонасидаги Чўпонота тепалигининг забт этилиши билан якунланди.

2 май. Самарқанд шаҳри эгалланди.

18 май. Каттақўрғон шаҳри олинди.

2 июнь. Бухороликлар Зирабулоқ остонасида мағлубиятга учради.

8 июнь. Рус отряди Самарқандга етиб келди. Исёнчилар жазоланди.

28 июнь. Зарафшон округи ташкил этилди. Амир таслим бўлди. Сулҳ тузилди. Отряд Тошкентга қайтди. Амирнинг ўғли Катта Тўранинг отасидан норозилиги кучайди. Рус қўшинлари бу ишга аралашди. Генерал Абрамов отряди (6 рота, 8 тўп-замбарак, 2 юзлик ракета батареяси), Қаршини олди ва уни Бухоро амирига қайтарди. Бухоро билан чегара белгиланди.

1869 йил

Фарбий Хитойда дўнганлар исён кўтарди. Хитойликлар ёрдам сўрайди. Қалмоқ Хутуктойи Чоған Қоғон томонидан чегаралар бузилди. Чегаралардаги қирғизлар орасида тартибсизликлар ва туғёнлар содир бўлди. Баримти қирғизлар қўл остига ўтди. Генерал-майор Колпаковский отрядининг Фарбий Хитой ҳудудида қарши ҳаракати (3 рота, 3 юзлик, 4 замбарак) бўлиб ўтди.

7 август. Қизайликлар билан Таранчийлар мағлубиятга учрадилар ва Сайрам кўли бўйидаги Қоптағай эгалланди.

16 октябрь. Бархударир остонасида жанг бўлди. Мовора ва Хоргосо эгалланди. Каспий бўйларида ҳаракат: Красноводск ҳавзасининг Генерал Столетов отряди томонидан эгалланиши (5 рота, бир ярим юзлик, 16 замбарак) Михайловский ва Муллақора истеҳкомларининг тикланиши билан якунланди.

1870 йил

Генерал-майор Абрамов отрядининг (6 рота, 2 юзлик, отлик батарея ва ракета дивизиони) Зарафшон дарёсининг юқори оқимига экспедицияси амалга оширилди.

25 июнь. Генерал Абрамовнинг Искандаркўл томон ва подполковник Деннатнинг Матчо бўйлаб ҳаракати давом эттирилди.

Кўли калон яқинидаги Қўштут довоида шахрисабзликлар билан жанг бўлди.

13 август. Шаҳрисабз қамал қилинди ва забт этилди.

14 август. Китоб қалъаси босиб олинди.

Муғиён, Фороб бекликлари олинди ва Зарафшон округига қўшилди. Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари Бухоро (амирлиги)га берилди.

Каспий бўйидаги ҳаракатдан сўнг Оқтепа ва Уйил истеҳкомлари қурилди. Манғишлоқ приставлиги Кавказ нойиблиги билан бирлаштирилди.

15—20 октябрь. Такаликлар Михайловск истеҳкомига ташриф буюрди.

30 ноябрь. Генерал-майор Столетов отрядининг (3 рота, 2 юзлик, 3 тўп-замбарак) Қизил-Арватга юриши давом эттирилди.

Штабс ротмистр Скобелев томонидан Тошарват қалъадан Сари-Қамишгача, яъни Хива чегараларигача рекогносцировка ўтказилди.

1871 йил

Фарбий Хитойда генерал Колпаковский отрядининг (10 рота, бир ярим батарея, 6 юзлик) таранчиликларга қарши ҳаракати бошланди.

7 май. Мозор шаҳри ва қалъаси олинди.

18 июнь. Чин-Чаходзи остонасида таранчиликлар мағлубиятга учради ва бу қалъа ҳам олинди.

19 июнь. Суйдун қалъаси эгалланди.

22 июнь. Ғулжа шаҳри олинди.

1873 йил

Хива хонлигининг Сирдарё чап қирғоғига даъвогарлиги маълум бўлди.

Оренбург бошқармасида қирғизлар орасида тартибсизлик. Хон баённомаси. Рус почта станцияларига ҳужумлар. Хива хонлигини бирёқлама тугатиш ҳақида қарор. Туркистон, Оренбург ва Манғишлоқ орқали баравар ҳаракат қилиш ҳақида қарор. Отрядларнинг Хивага умумий юриши:

1. Туркистон отряди. Генерал Қауфман, (22 рота, 18 тўп, 18 юзлик).

2. Оренбург отряди. Генерал Веревкин (15 рота, 8 тўп, 6 юзлик).

3. Манғишлоқ отряди. Полковник Ломакин (12 рота, 8 тўп, 8 юзлик).

4. Орол флотилияси: «Самарқанд», «Перовский» кемалари ва 3 баржа.

Бош қўмондонлик генерал-адютант фон Кауфманга топширилди.

10, 11 май. Тунги отишмалар бўлиб ўтди. Учоқ яқинида хиваликлар мағлубиятга учради.

18 май. Туркистонликлар Амударёдан кечиб ўтди.

23 май. Хазорасп қалъаси олинди.

29 май. Хонлик пойтахти Хива эгалланди. Генерал Головачевнинг отряди Ёвмитларга ва Туркманларга қарши ҳаракатни давом эттирди.

13 июнь. Чандир қишлоғи ёнида Ёвмитлар мағлубиятга учради.

15 июнь. Қўкчўк вайроналари яқинида туркманлар мағлубиятга учради.

15 июль. Хива билан тинчлик-сулҳ шартномаси тузилди. Петр Александровка истеҳкомини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг Амударё бўлими ташкил этилди.

1875 йил

Қўқон хонлигида ички қўзғалишлар бўлиб турди. Худоёрхон Хўжандга қочди. Қўқонликлар ўрдаларга босқин уюштирдилар ва 9 августда Хўжандга ҳужум қилдилар. Генерал адъютант фон Кауфман отрядининг (16 рота, 20 тўп, 8 юзлик) Қўқон хонлигига қарши юриши бошланди.

22 август. Қўқонликлар Маҳрам истеҳкоми яқинида мағлубиятга учрадилар.

29 август. Қўқон шаҳри эгалланди.

8 сентябрь. Марғилон шаҳри эгалланди.

Генерал Скобелевнинг учқур отряди (6 юзлик, 2 рота араваларда, 4 отлиқ, тўпчи ва ракетачи батарея) Мингбулоқ ва Уш атрофида душманни излаб юрди. Андижон депутацияси тобеълик истагини билдирди.

30 сентябрь. Андижонда қўзғолон кўтарилди. Г. М. Троцкийнинг Андижонга ҳарбий ҳаракати (5 рота, 86 сапёр, уч ярим юзлик, 8 тўп, 4 ракета станогини) бошланди.

1 октябрь. Андижон олинди.

17 октябрь. Наманган вилояти Россияга қўшилди. Хонликнинг Норин дарёси ўнг қирғоғидаги шимолий қисмини бошқариш генерал Скобелевга топширилди.

Қўқон хонлигида аввалги ҳокимиятни тиклашга уришиш ва тартибсизликлар содир бўлди. Насриддинхон Хўжандга қочди.

24 октябрь. Генерал Скобелев Наманган ва Чуст шаҳридан ғалаба билан (3 рота, бир ярим юзлик, 4 тўп-аслаҳа билан) қайтди. Наманганда қўзғолон бўлди.

27 октябрь. Скобелев зудлик билан ортга қайтди.

Наманган шаҳри бомбардимон қилиниб ишғол қилинди.

11 ноябрь. Генерал Скобелевнинг Норин дарёсининг чап қирғоғи томон ҳаракати (4 рота, тўрт ярим юзлик, 6 тўп-замбарак, 4 ракета станог) бошланди. Балиқчида жанг бўлди. Валихон Тўра бошлиқ қипчоқлар мағлубиятга учради. «Чуст иши» ниҳоясига етказилди.

29 ноябрь ва 8 декабрь. Генерал Скобелевнинг Норин дарёси чап қирғоғига тафтиш (изланиш) юришлари (1 рота, бир ярим отлик рота, уч ярим юзлик, 2 тўп, 2 ракета мосламаси) муваффақиятли амалга оширилди.

1876 йил

Қўқонликларга қарши ҳарбий ҳаракат давом эттирилди. Генерал Скобелев отряди (2 880 киши)нинг Андижонга томон юриши бошланди.

8 январь. Андижон қайта олинди.

Партизанлар (мужоҳидлар — М. Ҳ.) ҳаракати авж олди.

18 январь. Асака яқинидаги тўқнашув. Генерал-майор Скобелев отряди (2 рота, 1 юзлик, 4 тўп, 6 ракета мосламаси билан) Абдурахмон Офтобачи бошлиқ қўқонликларни мағлубиятга учратди.

27 январь. Учқўрғон жанги: ротмистр Меллер-Законелский отряди (икки ярим рота, олти ярим юзлик, 5 тўп, 6 ракета мосламаси) Пўлатхон тўдасини тор-мор қилди.

28 февраль. Генерал Скобелев отряди (10 рота, етти ярим юзлик, 10 тўп, 2 ракета станог) Қўқонни ишғол қилди.

19 февраль. Қўқон хонлиги Фарғона вилояти номи билан Россияга қўшиб олинди. Ўш ва Гулчига полков-

ник Аминов отрядининг (1 юзлик, 1 ракета батареяси), генерал Скобелев отрядининг (3 рота, 1 юзлик) Олойга юриши бошланди: Янги Ариқ ёнида жанг бўлди. Қора қирғизлар мағлубиятга учради. Чегара ҳақида келишиб олиш учун генерал Куропаткин Қашқарга элчи юборди.

1878 йил

Генерал Столетовнинг Афғонистонга элчилиги: Англияга қарши юриш учун тайёргарлик бошланди.

1879 йил

Генерал Ломакиннинг (ўн олти ярим батарея, 20 юзлик, эскадрон, 20 тўп, 12 ракета станогини) Оҳал Така текислигига экспедицияси бошланди.

28 август. Дўнгилтепага ҳужум муваффақиятсиз тугади ва чекинишга тўғри келди.

1880 йил

Ғулжа районида Хитой билан урушга тайёргарлик кўрилди.

Туркманларга қарши юришга тайёргарлик кучайтирилди.

30 ноябрь. Тўғонботир қалъаси (Самур истеҳкоми) олинди.

15 декабрь. Самур истеҳкомига полковник Куропаткин бошлиқ Туркистон отряди (510 пиёда, 318 казак, 2 тоғ тўпи, 2 ракета станогини) етиб келди. Генерал Скобелевнинг отряди ҳаммаси бўлиб 45 рота, 11 эскадрон, 74 тўп, 11 ракета мосламасидан иборат бўлиб, руслар 8000 га яқин, такаликлар эса 40 мингдан ортиқ қўшинга эга эди.

1881 йил

12 январь. Кўк тепа (Денгиз тепа) қамалдан сўнг ялли ҳужум билан олинди.

28 январь. Ашхобод жангсиз эгалланди.

12 февраль. Петербург шартномасига кўра Ғулжун (Ғулжа) Тумани Хитойга қайтарилди.

ИМПЕРАТОР АЛЕКСАНДР III ҲУҚМРОНЛИГИ ДАВРИ

1884 йил

31 январь. Марв туркманлари Россия фуқаролигига зўрлаб қабул қилинди.

6 май. Каспий орти истеҳкомни барпо этилди.

1885 йил

Кушка дарёси бўйида афғонлар билан чегара масаласида можаро бўлиб ўтди.

18 март. Генерал-майор Комаров отряди (8 рота, 4 юзлик, 4 тўп) Тош кўприкда афғонларни мағлубиятга учратди. Улар инглизлар қўл остида эди.

Кушка олинди ва Россия мулкига айлантирилди.

1892 йил

Полковник Ионов ўз отряди (1 батарея, 3 юзлик, 4 тўп) билан Помирни бўйсундирди.

1894 йил

Афғонлар билан чегара можароси бўлиб ўтди.

ИМПЕРАТОР НИКОЛАЙ II ҲУҚМРОНЛИГИ ДАВРИ

1895 йил

Англия вакиллари иштирокидаги махсус комиссия Россия билан Афғонистоннинг Помирдаги чегараларини белгилаб берди.

ТАРИХ — ҲАҚИҚАТ ЧИРОҒИ

(Туркистон босқинига доир фикрлар)

Босқинчилик қаҳрамонлик бўлолмайди.

Чингиз Айтматов.

* * *

Ҳақиқат эса Россиядан улуғдир.

Ф. М. Достоевский.

* * *

«СССР тарихи» дарсликлари маълум даражада ҳамон рус халқининг, рус давлатининг тарихи бўлиб қолмоқда.

Г. Ягодин.

* * *

Кимни рус халқини рус ҳукуматидан ажратолмас ҳеч нимани тушунмайди.

А. Н. Герцен.

* * *

Солиқларни ошириб бориш сиёсати воситаси билан чор ҳукумати Туркистон қонини сўриб ётарди...

З. Д. Кастельская.

* * *

Дунё славянларники, славянлар Россияники.

Генерал Скобелев.

* * *

Дорга осилган одамларнинг типирчилаб турганида расмларини чизганман. Бир муллаваччани минорадан улоқтириб юбордим.

В. В е р е ш ч а г и н.

* * *

Черняев ашаддий шовинист эди. Унинг назарида Қўқон хонлигида яшаган ўзбеклар, қирғизлар, қипчоқлар ва бошқа халқлар ёлғиз тўн (чопон) кийгани учунгина қириб ташлашга лойиқ.

З. А. К а с т е л ь с к а я.

* * *

Скобелев Ионовни зуғумга олгач, у қўл остидаги солдатларини бошлаб эмизукли болаларгача чошиб ташлади.

В. Н а л и в к и н.

* * *

Россия уездидаги генерал-губернатўрларнинг ойлик иш ҳақи 8 мингдан ошмаган. Бироқ Туркистондаги босқинчи генерал-губернатўрларнинг ойлик иш ҳақи эса 25—40 минг сўмни ташкил этган.

Г. С а ф а р о в.

* * *

Мен тарихчи сифатида шуни айтишим керакки, биз совет тарихчилари Ўрта Осиёни Россия истило қилганлигини тан олишдан ҳам, ҳатто шимолий Қавказни забт этганини айтишдан ҳам тортинмаймиз.

Р о й М е д в е д е в,
тарих фанлари доктори, СССР халқ депутати

* * *

Каспий орти темир йўли Ўрта Осиёни капитал учун очиб берди.

В. И. Л е н и н.

* * *

Тарихий ҳақиқат жоҳилни қанчалик таҳқирласа, тарихий ёлғон ҳам фозилни шунчалик таҳқирлайди.

У л ж а с Су л а й м о н.

* * *

Қирқ — эллик йил мобайнида Ўрусия қарамоғидаги собиқ Ўрта Осиё хонликларидаги ерли халқлар ўрус найзалари ҳимоясида тинч ҳаёт кечирдилар, ривожландилар ва бойидилар. Ватан учун оғир дамларда талаб этилаётган пайтда улар Россияга мардикорлар етказиб берадилар.

А. Н. Куропаткин,
Туркистон ҳарбий губернатури.
Тошкент, 1916 йил.

* * *

Биз 50 йил тубжой аҳолини тараққиётдан жиловладик, мактаблар ва рус ҳаётидан четда тутдик.

А. Н. Куропаткин,
Туркистон генерал губернатури.

* * *

Афсуски, Шимолий Амриқо Штатларидаги фикр парвозига қиёслаганда биз олчоқ одамлармиз: Русия табиатнинг ўйинчоғи, ақл-идрокнинг эмас.

Ф. М. Достоевский.

* * *

Биласизми, инсоният инглизлар бўлмаса ҳам, Олмония бўлмаса ҳам, хусусан, ўрус халқисиз ҳам, илм-фансиз, нонсиз ҳам яшайверади, аммо гўзалликсиз яшаши мумкин эмас, гўзалликсиз бу ёруғ дунёнинг қизиғи қолмайди.

Ф. М. Достоевский.

* * *

Русия маъмурлари томонидан «рус давлатининг содиқ кишилари ҳисобланган, аслида ватанга, ўз халқига

хоинлик қилган, душман тегирмонига сув қуйган Тошкент шаҳрининг амалдорлари, савдогарлари — Саид Азимбой Муҳаммадиев, Шайхулислом Носир Мулло Исҳоқ, Қозикалон Юсуфхўжа Абдулла Хўжаев, Қозикалон Қаландархўжа Жунайдуллаев ва бошқа амалдор хоинлар Ўрусия подшоси Александр II томонидан Петербургда 1867 йилда қабул қилинганлар. Ўз халқини сотгани, ватанига ҳиёнат қилгани учун Ўрта Осиё халқлари сотқинларини рус подшоси юксак мукофотлар, орденлар билан сийлаган.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий,
тарихчи.

* * *

Биз ўруслар Амриқоликлар олдида гўдак болалармиз, холос ва уларнинг даражасига етишмоқ учун биз Амриқода туғилмоғимиз ёхуд жилла қурса улар билан бирга узоқ яшамоғимиз керак.

Ф. М. Достоевский.

* * *

Мозий — ҳақиқатнинг тарозисидир.

Маҳмудхўжа Беҳбудий.

* * *

Ўлкани руслаштириш режасини амалга оширишда мактаб катта аҳамият касб этиши лозим.

Генерал Розенбах.

* * *

Гарчанд Ўрта Осиёда руслар ярим асрдан кўпроқ ҳукмдорлик қилаётган бўлса-да, минг афсуски, ғайритабааларни (чор амалдорлари Ўрта Осиёликларни — русча инородци деб атардилар — М. Ҳ.) Россия императорининг содиқ хизматкорига айлантира олмади.

А. Н. Куропаткин.
Туркистон генерал-губернатўри.

* * *

Русиянинг барча истеъдодли ва илғор кишилари ҳамма вақт қартабоз ва арақхўр бўлганлар, ҳозир ҳам шундайлар, кейин ҳам шундайлигича қолаверадилар.

Ф. Достоевский.

* * *

Генерал Черняев Тошкентни зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг 12-сигача, яъни 42 кун сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдирди. Бухоро, Хоразм ва фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқароси ватанлари ва дини учун қаттиқ турдилар. Ярим кечадан сўнг — саҳарда рус аскарлари фуқаро уйқудалигида хиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан Тошкентга кирди. Шундан кейин яна уруш бўлиб турди. Бу ўртада кўп иморатлар, дўконлар ва уй-жойларга ўт тушди, очлик, ташналикка қарамай тошкентликлар мардона жанг қилдилар.

Тарихчи М у ҳ а м м а д С о л и ҳ Т о ш к а н д и й н и н г
«Тарихи жадиди Тошкент» китобидан.

* * *

Шундай бир ахлоқ ўрнатиш мумкинки, бу ахлоққа мувофиқ маданий ва таловчи давлатларнинг қолоқ халқларга қилаётган ҳамма шармандали кирдикорларини, ҳатто Россиянинг Туркистондаги йиртқичликларини ҳам тўғри қилиб кўрсатса бўлади.

Ф. Энгельс.

* * *

Ҳеч бир миллат бошқа миллатларни эзишда давом этиб, ўзи озод бўлолмайди.

К. Маркс, Ф. Энгельс.

* * *

Бошқа халқни асоратга солувчи халқ ўзига кишан ясайди.

К. Маркс.

* * *

Туркистон мустамлакачиликнинг энг ёрқин намуна-
сидир.

В. И. Ленин.

* * *

Тарихимизнинг фожеали жиҳатлари тўғрисида тўла
ва аччиқ ҳақиқатни билишни истамаслик ҳам, тарихий
меросимиздаги чинакамга буюк ва қимматли бўлган
ҳамма нарсаларни йўққа чиқариш йўлидаги уриниш-
лар ҳам бир хилда хатарлидир.

М. С. Горбачёв.

* * *

Қимки ўзгалар юртига қилич ялонғочлаб келса, би-
лингки, у ўша қилич зарбидан ҳалок бўлгай.

Александр Невский.

* * *

Бир минг сарт бир ўрус солдати этигининг пошна-
сига арзимайди.

П. Иванов,
Фарғона генерал-губернатўри.

* * *

Тоғларда олтин ва кумуш қидириш қатъиян ман
этилган. Барча конлар яқинида доимо қоровуллар ту-
ради.

Россия элчиси Флорио Беневелининг
подшо Петр I га йўллаган маълумотномасидан.

* * *

Мен сизга (1870 йил январь) уч марта хат ёзиб би-
рортасига жавоб олмадим. Бунинг устига менинг сўнги
элчиларимни ҳам ушлаб қолгансиз. Бундай ҳаракат-
ларга ортиқча чидаб бўлмайди. Иккитадан биттасига —
ё айтганларимга кўнасиз — дўст бўлиб қоламиз ёки
айтганларимга кўнмасангиз душман бўлиб қоламиз.

Генерал-губернатўр
Фон Кауфманнинг
Хива хонига ёзган мактубидан.

* * *

Генерал Черняев Тошкент тарафдан ҳужумга ўтиб, кўп қон тўкишлардан сўнг Бухоро қўрғонлари — Жиззах, Самарқанд, Катта Қўрғонни бирин-кетин эгаллай бошлади. Шундай қилиб бутун Зарафшон водийсининг юқори қисми эгалланиб, Русия томонидан босиб олинди.

Д. А. Логофет.
«Бухоро тоғлари ва текисликлари».
ВСП.Б. 1868.

* * *

Жаноби император ҳазрати олийлари. Сизни янги шодиёна билан табриклаётганимдан бахтиёрман. Ўрта Осиёнинг машҳур ва кўхна шаҳри, мусулмончиликнинг маркази, тарихий шуҳрати билан донг таратган Самарқанд бирорта ҳам ўқ отмай эгалланди. Самарқанд ҳам Сизнинг баҳодир ва содиқ қўшинларингизга дарвозаларни очиб, жаноби олийларининг оёғига йиқилди.

Генерал-губернатўр
Фон Кауфманнинг
1869 йил, 2 майда
император Александр II га
ёзган мактубидан.

* * *

Биз хон билан эмас, балки халқ билан тўқнашдик. Уни бостириш осон бўлмади. Руслар ҳали Ўрта Осиёда бундай (Қўқондагидек) узоқ ва қаттиқ қаршиликка дуч келмаган эдилар.

Фон Кауфман,
генерал-губернатўр.

* * *

Ўрта Осиё — рус тожидаги энг қимматбаҳо дур.

Вишнегородский.
Россия империяси молия нозири.

* * *

Россиянинг келажаги Ўрта Осиёдан.

Горчаков,
Россия ички ишлар нозири.

* * *

Умуман Бухоронинг давлат хўжалиги талончилик билан юритилмоқда ва бунинг оқибатлари ҳалокатлидир. Афсуски, бизнинг ҳукуматимиз бу ҳолатга кераклича эътибор бермаяпти. Охир-оқибатда кеч бўлади ва ҳозирги бой-бадавлат давлат ўрнига рус давлатининг гарданига оғир, янги юк бўлувчи қашшоқ давлатга эга бўламиз. Бухорога диққатни жалб этишнинг мавриди аллақачон келди.

Д. А. Логофет,
рус тарихчиси ва амалдори.

* * *

Амир исёнкорларидан бирортаси ҳам асир олинма-син. Қўлга тушганларнинг ҳаммаси, ҳаттоки ярадорлар ҳам отиб ташлансин.

Фон Кауфман,
генерал-губернатёр.

* * *

Туркистонда ишлатилмоқчи бўлган ерларнинг 55 фоизи ўрус келгиндиларининг қўлига ўтди. Шундай қилиб, чор ҳукумати Туркистонда ерлик халқни эзишдан бошқа ҳеч бир иш кўрсатмади. Ўзининг кейинда қолганлиги ва фойдалана олмаганлиги сабаблик, чор ҳукумати энг бой бўлган тоғ маъданларини ишлатишга ҳеч кимга ихтиёр бермади.

Турар Рисқулов,
«Янги Туркистон», «Туркистон» рўзномаси,
1923 йил, 25 ноябрь.

* * *

Приставларнинг ҳокимлик суришлари шу даражага етдики, улар ҳатто масжидларга қўнғироқ осиб ҳаракатида бўлдилар. Ўзларининг тўраликларини ва ҳукумдорликларини кўрсатмоқ учун, номоз вақтида масжидга итлар билан кириб келдилар.

Турар Рисқулов,
«Янги Туркистон»,
1923, 25 ноябрь.

* * *

Буюк Туркистон Русия ва Чин орасида, уларнинг ҳокимияти остида яшаш ва ўз бирлигини сақлаб қолиш учун бутун заҳматларини чеккани ҳолда миллий мағрурлигидан воз кечмаган туркона юртдир.

Б о й м и р з а Ҳ а й и т.
«Бу кунги Туркистоннинг сиёсий
ва социал манзараси».
«Туркистон». 1991, 2-сон.

* * *

Мустамлакачиларга ерли халқдан чиққан ҳақиқий раҳбар, ўзлари билан бир сафда турадиган тенг ҳуқуқли ўртоқ керак эмас эди. Улар (руслар)га тилмочлар ва ижрочи миршаблар зарур эди.

Г. С а ф а р о в.
«Мустамлака инқилоби»,
«Туркистон сабоқлари».
М. 1921. 108 бет.

* * *

Чор Россиясини йўқотиш — жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат яширин эмасди.

М у н а в в а р Ҳ о р и А б д у р а ш и д о в,
машҳур маърифатпарвар ва мураббий.

* * *

Ҳар ҳолда бу мустамлакачилар, мустамлакачилик ҳаром мамлакатда тезроқ йўқ қилинишига тегиш.

Ч ў л п о н.
«Қутурғон мустамлакачилар».
«Фарғона», 12 март, 1924 йил.

* * *

Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир! Нечук кунларга қолдинг? Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, ўғузларнинг оилаларининг шон-

ли болалари! Қани учиклигинг, юксак ўринларинг?
Қуллик чуқурларига недан тушдинг!

Ф и т р а т.
Юрт қайғуси. «Хуррият».
1917 йил 28 июль.

* * *

Россияда яшовчи кўпдан-кўп элатларнинг барчаси бир отанинг — давлатпаноҳ император ҳазратларининг болаларидир. Бу барча элатлар она — буюк Россиянинг фарзандларидир. Аммо бу кўп сонли оилада руслар бошқаларга нисбатан катта оға бўлишлари лозим.

А. Н. Куропаткин,
Туркистон генерал губернатори,
1916 йил, 24 августда
Тошкент шаҳар жамоатчилиги
олдида сўзлаган нутқидан.

Массово - историческое издание

Маджид Хасаний

ЗАВОЕВАНИЕ ТУРКЕСТАНА

На узбекском языке

Горьковское производственное объединение «Нур» - 1992.

700113, Ташкент Катартал, 60.

Мусаввир М. Сомойлов
Бадий муҳаррир В. Стулин
Тех. муҳаррир С. Собирова
Мусаҳҳиҳ Ш. Аминова

ИБ № 39

Теришга берилди 20.12.91. Босишга рухсат этилди
26.02.92. Қоғоз ўлчами 84X108^{1/32}. Литературная гарнит-
турада терилди. Юқори босма усулида босилди. Шартли бос-
ма л. 2,52. Нашр л. 2,5. Жами 10 000 нусхада. Буюртма
№ 7041

«Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси
700113 Тошкент, Қатортол, 60.

Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат кўмитаси ижа-
ра асосидаги Тошкент матбаа комбинатидэ. Босилди.
700129 Тошкент, Навоий, 30.